

Асилюва Г.А.,

Давлат божхона қўмитаси

Олий ҳарбий божхона институти «Давлат ва
хорижий тиллар» кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

ЎЗБЕК ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

АСИЛОВА Г.А. ЎЗБЕК ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Мақолада давлат тили таълимида талабаларни касбга йўналтирилган мулоқотга ўргатишда инновацион технологияларнинг аҳамияти борасида фикр юритилган. Бўлажак божхона ходимларининг ихтисослик нутқини шакллантиришда қўлланадиган топшириқларга мисоллар келтирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим технологиялари, давлат тили таълими, касбга йўналтирилган мулоқот, ихтисослик нутқи, соҳавий атамалар.

АСИЛОВА Г.А. ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К РАЗВИТИЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У СТУДЕНТОВ НА ЗАНЯТИЯХ ПО УЗБЕКСКОМУ ЯЗЫКУ

В статье рассматривается роль инновационных технологий в обучении профессионально-ориентированному общению студентов на государственном языке. Приводятся примеры заданий, направленных на формирование профессиональной речи будущих сотрудников таможни.

Ключевые слова и понятия: педагогические технологии, обучение государственному языку, профессионально-ориентированное общение, профессиональная речь, отраслевые термины.

ASILOVA G.A. AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCES OF STUDENTS IN CLASSES OF UZBEK LANGUAGE

There is discussed in the article role of innovative technologies in teaching professionally-oriented communication of students on the state language. Examples of tasks directed on formation of professional speech of future customs officers are given.

Keywords: educational technology, learning the state language, professional-oriented communication, professional speech, terms related to the field.

Таълимни модернизациялаш зарурияти, дунё ҳамжамиятига интеграция жараёни бугунги кунда таълим тизимига инновацияларни жорий қилишни тақозо этмоқда. Ахборотлашган жамият даврида билим ва малаканинг инсон ҳаётидаги аҳамияти биринчи ўринга чиқади.

Жамиятимизга чуқур билимли, малакали, тезкор ва конструктив тарзда қарор қабул қила оладиган мутахассислар зарур. Шу боис ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг шахсга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлиги таълим жараёнининг муҳим жиҳатига айланиб, бунда таълим технологияларини такомиллаштириш катта роль ўйнайди.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллаш мутахассисларни тайёрлашнинг сифатини оширишга ҳамда талабаларнинг мустақил ишларининг ролини фаоллаштиришга кўмаклашади. Бўлажак мутахассиснинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда инновацион таълим методларини жорий этиш келажакда унинг меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишига замин яратади.

Инновация ёки янгилаш инсоннинг ҳар қандай касбий фаолиятига хосдир. Инновациялар ўз-ўзидан пайдо бўлмай, илмий изланишлар, илғор педагогик тажриба натижалари сирасига киради.

«Инновация» тушунчаси лотинчадан таржи-ма қилинганда «янгиланиш, янгилик, ўзгариш» маъносини англатади. Педагогик жараёнда инновация таълим ва тарбиянинг мақсадлари, мазмуни, метод ва шаклларига янгилик жорий қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг биргалиқдаги фаолиятини ташкил этиш демакдир¹. Бугунги кунда педагогикада айнан инновациялар таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул воситаси бўлиб бормоқда.

Мутахассиснинг касбий компетенцияларини шакллантиришда унинг давлат тилида ёзма ва оғзаки мулоқот қилиш малакаларини ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ўзбек адабий тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган: «Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш

қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қиласлик, фақат маълум бир худуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Бу ҳақда сўз юритгандা, бобомиз Алишер Навоийнинг «Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз» деган сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласмиз»².

Дарҳақиқат, кейинги йилларда давлат тили таълимида ижобий ўзгаришлар юз берадиган бўлса-да, расмий мулоқотда, ҳаттоқи оммавий ахборот воситаларида ҳам адабий тил меъёrlаридан четга чиқиш ва йироқлашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шу билан бирга, республикамизда яшовчи ўзга миллат вакилларининг давлат тилини ўрганишга бўлган қизиқишилари тобора ортиб бораётганини ҳам қайд этиш лозим.

Маълумки, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган йўналишларда ўзбек тили дарсларида қўлланган анъанавий усуллар, асосан, ижтимоий-сиёсий, оммабоп мавзулардаги матнларни ўқиб тушуниш ва ушбу ахборотни оғзаки (диалогик ёки монологик шаклда) ва ёзма равишда ифодалаш малакаларини ҳосил қилишга қаратилган. Замонавий таълим усуллари эса талабаларда касбий компетенцияларни шакллантиришга, жумладан, оғзаки ва ёзма мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга ундейди. Бу борада уларнинг бўлажак мутахассислигига оид матнлар ва терминлар устидаги ишлаш асосий ўрин тутади. Ушбу мақсадга эришишга нутқий мавзуга оид матнларда грамматик маълумотларга оид тил бирликлари билан бир қаторда, соҳавий терминларни қўллаш ёрдам беради. Матноти топшириқлари ҳам матн билан ишлаш орқали грамматик маълумотларни ўзлаштириш ҳамда уларни оғзаки ва

¹ Хоторской А.В. Педагогическая инноватика: методология, теория, практика. / Научное издание. – М.: Изд. УНЦ ДО, 2005. – С.6.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. -89-90-6.

ёзма нутқда қўллашга ўргатишга қаратилмоғи зарур. Бу, албатта, ҳар бир дарсга инновацион ёндашувни тақозо этадики, уни самарали амалга ошириш, аввало, топшириқ ва машқларнинг қандай тузилишига ва дарсни қандай ташкиллашиборига боғлиқ.

Шуни қайд этиш керакки, муайян соҳага оид терминларни мукаммал билиш талабаларнинг касбий лаёқатида муҳим амалий аҳамиятга эга. Шу боис ўзбек тили таълимида асосан соҳавий терминларни ўз ичига олган материаллардан фойдаланиш, қонун ҳужжатларидан мисоллар келтириш ва уларнинг мазмунини шарҳлаш, терминларни касбий мулоқот доирасида диалогик ва монологик нутқ тузишда фаол қўллашга ўргатиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Машғулотларда терминлар изоҳи билан ишлаш нафақат талабаларнинг сўз бойлигини оширади, балки уларда нутқ компетенциясини бўлажак касбга йўналтирилган ҳолда шакллантиришга кўмаклашади. Хусусан, божхона йўналишларида ўзбек тили машғулотларида ушбу соҳага оид терминларни ўргатишнинг амалий аҳамияти катта.

Олий таълимда тил ўргатишнинг янги педагогик технологияларидан фойдаланиш масалалари қатор тадқиқотларда таҳлил қилинган. Уларда, жумладан, касбий мулоқотга ўргатишда вазиятли ўйинларни қўллаш¹, касбий вазиятларни акс эттирувчи видеоматериаллар ёрдамида нутқни ривожлантириш², соҳавий терминология иштирокидаги тест топшириқлари воситасида касбий нутқни шакллантириш³, ахборот-коммуникация ҳамда компьютер технологияларидан фойдаланиб мулоқот компе-

тенциясини шакллантириш⁴ тадқиқ қилинган. Кўринадики, ҳар бир соҳанинг терминологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли технологиялардан фойдаланиш тил таълими ривожига ҳисса қўшмоқда.

Демак, бугунги кунда давлат тили таълими ни талабанинг бўлажак касбига йўналтириш касбий вазиятларда ўзбек адабий тилида расмий мулоқот қилишни ўргатишга қаратилмоғи зарур. Бу эса мулоқот компетенциясини шакллантирувчи усуллардан фойдаланишни тақозо қиласди. Кейинги йилларда ўзбек тилини ўқитишида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш масаласи тадқиқ қилина бошлангани бу борада нафақат янги техник воситалар, балки таълимнинг янги шакл ва усуллари қўлланаётганидан дарак беради. Бироқ, вақт ўтса-да, ушбу тадқиқотларда кўтарилигдан муаммолар ҳамон долзарблигини йўқотмаяпти. Жумладан, Н.Умарова ўзининг тадқиқот ишида русийзабон талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришга бевосита йўналтирилган электрон дарслик ёки ишланмалар ҳали мавжуд эмаслиги, шунингдек, ўзбекча нутқни ўстиришда интернет ва электрон почта имкониятларидан фойдаланиш асослари чуқур илмий ўрганилмаганлиги ҳақида фикр билдириган⁵. С.Одилова эса ўзбек тили дарсларида қўлланиши мумкин бўлган электрон дастурларнинг электрон нусха, электрон мультимедиа дарслиги, электрон энциклопедия, электрон луғат, ўргатувчи аудиодастурлар, электрон лингафон курслари, универсал тест дастури, электрон виртуал кутубхона, Интернет тармоғи, видеоматериаллар, масофавий таълим⁶ каби турларини яратишга эътибор қаратишни таклиф қилган. Маълумки, бу борадаги ишлар амалда ҳанузгача оқсанмоқда.

¹ Доможирова М.А. Деловая игра в обучении профессионально-ориентированному общению на иностранном языке студентов неязыковых вузов: Дис. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2002. –С. 212.

² Сунцова Е.Н. Обучение монологическому высказыванию в условиях профессионально ориентированного общения с использованием аутентичных видеодокументов (английский язык, неязыковой вуз): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Тамбов, 2005. –С. 18.

³ Ли Пэн. Терминологическое тестирование в системе обучения профессиональной речи студентов экономических специальностей: Дис. ... канд. пед. наук. – М., 2004. –С. 158.

⁴ Васичкина О.Н. Информационно-коммуникационные технологии как средство формирования профессиональной коммуникативной компетентности студентов экономических специальностей: Дис. ... канд. пед. наук. – Ставрополь, 2009. –С. 223.

⁵ Умарова Н.З. Талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси (техника олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. ном. ... дис. – Т., 2007. -10-6.

⁶ Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш (олий таълим мусассасалари русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. ном. ... дис. – Т., 2004. -35-42-6.

Ушбу тадқиқотларда илгари сурилган ғояларни таълим тизимиға татбиқ этиш ва уларни янада ривожлантириш ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад – талабаларда мулоқот маданиятини шакллантириш, уларни давлат тилини амалда қўллашга ўргатишга эришишга ёрдам беради. Бироқ, унутмаслик керакки, ҳар бир таълим йўналишида ўзбек тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Уларни ишчи ўқув дастурларини тузиш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, ўқитиш методикасини шакллантиришда эътиборга олиш зарур.

Таълимда инновацияларнинг жадал ривожланиши ўзбек тилини ўқитишда ҳамкорликда ўқиш, муаммоли таълим, ривожлантирувчи таълим, лойиҳавий таълим, касбий ўйинлар, масофавий таълим, Интернет ресурсларидан фойдаланиш каби инновацион технологияларни қўллаш, шахсга йўналтирилган ёндашувлар орқали таълимни дифференциал тарзда амалга оширишни тақозо қиласди. Ўзбек тилини ўқитишда илғор педагоглар томонидан жорий қилинаётган юқоридаги каби кўплаб технологиялардан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда эътибор қозонаётган муаммоли таълим технологияси билишга оид, ижодий топшириқларни билим ва малакаларни ошириш орқали мустақил бажаришни кўзда тулади, талабаларни маълум бир ҳаракатлар тизимини шакллантиришга ундейди, мулоқотда ижодий муҳитни яратади. Муаммоли таълим технологиясини қўйидаги босқичларда амалга ошириш мумкин:

1. Берилган вазият (ҳолат)да юзага келган муаммони аниқлаш.
2. Ҳолатни таҳлил қилиш, муаммони информадаш.
3. Муаммонинг ечимини топиш.
4. Ечимнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаш.

Муаммоли вазиятни ҳал қилиш борасида «Божхона иши» йўналиши талабаларига бериладиган ушбу топшириқни мисол тариқасида келтирамиз:

Қўйидаги сұхбат матнлари билан танишиб, ушбу ҳолатларда қандай муаммо борлигини топинг. Матнларни давом эттириб,

муаммонинг қонуний ҳал қилинишини ифодаланг.

1) – Илтимос, сумкангиздан ана у кўзани (вазани, картинаси, китобни) чиқаринг.

– Марҳамат.

–

2) – Бу гилам қўлда тўқилганми?

– Билмайман.

– Сиз уни қаердан сотиб олдингиз?

– Бозордан.

Топшириқни бажаришда талабалар «Маданий бойликлар ва уларни асрарда божхона ходимларининг роли» мавзуси бўйича олган билимларини амалда қўллайдилар, муаммонинг ечимини излайдилар, уни муҳокама қиласди. Бу мулоқот компетенциясини ривожлантириш билан бирга, фуқаролар билан муомала қилиш маданияти, қонун ҳужжатларини ўзбек тилида тушунтириш ва қонуний хатти-ҳаракатларни асослаб бериш малакаларини ривожлантиради. Шунингдек, юқоридаги сұхбатлар иштирокчилари сифатида муаммонинг ечимини топиш касбий ўйинлар технологиясининг элементларини ҳам ўз ичига олади.

Муаммоли таълим технологиясида ўқитувчи ва талабаларнинг иштироқи қўйидаги даражаларда акс этади:

1. Ўқитувчи муаммони талабалар билан бирга аниқлайди, унинг ечимини топади ва муҳокама қиласди.

2. Талаба ўқитувчи томонидан қўйилган муаммонинг ечимини ўзи топади, ўқитувчи эса унга фақат йўналиш беради.

3. Талаба мустақил равишда муаммони топади, ўқитувчи унга ечимни топишда ёрдам беради.

4. Талаба муаммони ўзи аниқлайди ва унинг ечимини ҳам мустақил равишда топади. Ушбу даражада муаммоли таълимнинг «кейс-стади» усули деб аталади¹.

Муаммоли таълим технологиясида тадқиқот усулини қўллаш ҳам талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантиради. Унда талаба ўз билимларини ўзи кенгайтиради, илмий методларни ўрганади ва қўллайди, ахборотни излаб топади, уни саралайди, режалайди, ху-

¹ Абдуқодиров А. «Педагогика» ва «Психология» фанларидан кейслар ва улардан фойдаланиш услубиёти. – Т.: «Фан ва технология», 2015. –10-б.

лосалар чиқаради. Буларнинг барчаси талабанинг фаолиятини ташкиллиши ради, фикрлаш қобилиятини ривожлантириди, унда масъулият, ўз ишидан қониқиш ҳиссини пайдо қиласи. Мустақил тарзда олинган билимлар яхшироқ ўзлаштирилади.

Бироқ, мазкур технологияни қўллашда бир қатор муаммолар учрайдики, бу унинг амалда кенг қўлланишига тўсқинлик қиласи. Улардан асосийси ўқитувчидан ҳам, талабадан ҳам кўп вақт ҳамда саъй-ҳаракат, масъулият, креативлик талаб қилинишидир. Бундан ташқари, талабанинг касбий лаёқатини шакллантириш жараёни самарали кечиши учун ўзбек тили ўқитувчиси унинг бўлажак касбига оид хусусиятларни билиши, касбга доир вазиятлар билан яқиндан таниш бўлиши лозим.

Ўзбек тили машғулотларида талабаларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги топшириқлар уларни содда конструкциялар тузишга ўргатади, мустақил фикрлашини ривожлантириди.

Тасаввур қилингки, соҳангиздан мутлақо бехабар шахс Сизга касбингиз ҳақида саволлар беряпти. Сиз унинг қуйидаги саволларига содда, тушунарли тилда қандай жавоб берган бўлар эдингиз?

- Божхона идоралари нима билан шуғулланади?
- Божхона ходимлари қаерларда ишлайдилар?
- Божхона ходими бўлиш учун қайси фанларни чуқур ўрганиш керак?
 - Божхона ишини нималар ташкил қиласи?
 - Божхона чегарасидан ўтаётганда қандай ҳужжатлар керак?
 - Товарларни божхона чегарасидан қандай олиб ўтиш мумкин?
 - Божхона чегарасидан қанча нақд пул олиб ўтиш мумкин?

Бу тарздаги топшириқларни қўллаш жараёнида уларни баҳолаш мураккаб эканлиги маълум бўлади. Шу туфайли улардан асосан ривожлантирувчи таълим технологияларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қуйида баҳолаш мезонлари бирмунча қулай бўлган жадвал тарзидаги топшириқларга мисол келтирамиз.

Чап устундаги сўзларга ўнг устундаги сўзлардан мосларини топиб, сўз бирикмалари ҳосил қилинг. Зарур ҳолларда отларга эгалик қўшимчасини қўйинг. Ҳосил бўлган сўз бирикмаларини ёзинг.

бозор	асосий
бошқарув	божхона
бўғин	давлат
вазифа	дунё
валюта	жамоат
йўналишлар	замонавий
кодекс	иқтисодий
тартиб	миллий
технологиялар	молиявий
хавфисзлик	фискал
хизмат	юридик
шахс	ўрта
ҳужжатлар	ҳарбий

Жадвалнинг иккала устунидаги сўзлар алифбо тартибида берилган бўлиб, чап томондаги сўзга ўнг томондан фақат битта сўзни боғлаш керак. Топшириқнинг мураккаблиги шундаки, чап томондаги сўзларга мантиқан ўнг томондаги сўзлардан бир нечтаси тўғри келиши мумкин. Масалан: миллий бозор, дунё бозори, замонавий бозор каби. Бироқ, вазифани тўғри бажариш учун қуйидаги сўз бирикмалари ҳосил қилинади: божхона хизмати, замонавий технологиялар, дунё бозори, миллий валюта, асосий йўналишлар, иқтисодий хавфисзлик, фискал вазифа, ўрта бўғин, молиявий ҳужжатлар, ҳарбий хизмат, давлат бошқаруви, жамоат тартиби, юридик шахс.

Ушбу топшириқ талабаларнинг грамматик ва нутқий малакаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, уларнинг бўлғуси фаолиятида расмий ҳужжатлар билан ишлашга замин яратади.

Талабаларнинг билим, малака ва қўнималарини баҳолашда самарасини кўрсатаётган усуllibардан бири «Ассесмент» техникасидир. «Ассесмент» (ингл. assessment – баҳо) – ўз-ўзини тақдимот қилиш, маълум бир синовдан ўтишни англатади¹. Унинг қулайлиги шундаки, у ўқитувчига ўқув дастуридаги бир қатор мавзулар бўйича барча талабаларнинг билим, малака ва қўнималарини қисқа вақт ичидаги ҳам

¹ Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиилар. – Т., 2013. -55, 279-6.

1-жадвал. Ассесментнинг кўринишларидан бири.

ТЕСТ 1. Куйидагилардан қайси бири божхона назоратининг шаклларига кирмайди? а) оғзаки сўров; б) божхона кўриги; д) ҳужжатларни топшириш; е) шахсий кўрик.	МУАММОЛИ ВАЗИЯТ Йўловчи божхона баённомасини тўлдиришда хатоликка йўл қўйди. Сизнинг божхона ходими сифатида хатти-ҳаракатларингиз қандай бўлади?
СИМПТОМ 1. Божхона иши деб нимага айтилади? 2. Божхона чегараси нима?	АМАЛИЙ КЎНИКМА Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Уларнинг турларини кўрсатинг. 1. Позвольте, я Вам объясню, как правильно заполнить таможенную декларацию. 2. Так как эти предметы не указаны в таможенной декларации и не заявлены при устном опросе, они будут задержаны. 3. Пожалуйста, сохраните свою копию таможенной декларации до отъезда из страны. 4. В то время как я проверял документы пассажиров, мой коллега пропускал их багаж по ленте.

назарий, ҳам амалий жиҳатдан баҳолаш имконини беради. Ассесмент «тест», «симптом» (илмий-назарий фикрлар, ғоялар, таърифлар), «муаммоли вазият» (аниқ ҳаётий вазият, ҳодисага асосланган, ечимини топиш керак бўлган муаммо), «амалий кўникма» (иш фаолиятида қўллаш кўникмасини аниқлайдиган топшириқ) деб номланган бўлимлардан иборат. Масалан, божхона йўналишларида ўзбек тили машғулотларида қўйидаги кўринишдаги ассесментни қўллаш мумкин (1-жадвал).

Ушбу ассесментни баҳолашда ўқитувчи назорат тури ва хусусиятига қараб баллар миқдорини белгилаши мумкин. Ассесментнинг ҳар бир қисми алоҳида баҳоланади ва умумий баҳо ҳосил бўлади. Бундай топшириқлардан ўқув дастурининг маълум бир бўлими якунланганда, шунингдек ўқув модули якунида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Амалиёт ўзбек тили таълимида инновацион технологияларнинг яна кўплаб усувлари ни қўллаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Дарсни қандай технологиялар ёрдамида ўтказиш машғулот мавзуси ҳамда мақсади, ўқитувчи ҳамда ўқув аудиториясининг имкониятлари, талабаларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари, шунингдек бошқа кўп омилларга боғлиқ. Бироқ, инновацион усувларни таълимга жорий қилиш анъанавий таълимни бутунлай инкор этмайди, балки турли методларни ўйғунлашган ҳолда қўллашни тақозо этади, чунки таълим жараёнини бошқариш ва тўғри йўналтириш ўқитувчининг бевосита вазифаси эканлиги шубҳасиз. Юқорида қайд этилганидек, мазкур технологиялар ўқитувчидан катта

масъулиятни, ўз устида мунтазам ишлашни, ҳар бир фаннинг мазмунни ва ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда энг мақбул ва самарали методларни қўллашни талаб қиласди. Бу жараёнда, албатта, тажриба орттирилади, баъзан хатоларга ҳам йўл қўйилади. Энг муҳими – талабаларни кундалик мулоқотга, касб соҳасида давлат тилида фикрини тўлиқ ва равон ифодалашга, мустақил фикрлашга ҳамда турли вазиятларда касбий компетенциясини намойиш қила олишга ўргатиш зарур.

Давлат тили таълимини касбга йўналтиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш уларни машғулотлар тизимида қўллаш, билим ва малакаларнинг бутун комплексини ўзлаштириш таъминлангандагина самара беради. Бу эса таълим натижаларининг келажакда мутахассиснинг касбий фаолиятида ижобий тарзда акс этишини таъминлайди. Албатта, таълим жараёнида анъанавий усувлар технологиялар каби тез ўзгармаслиги мумкин. Бироқ, инновацияларнинг ривожланиши инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ўқитувчининг бу борадаги вазифаси эса замонавий технологияларни тил ўрганиш жараёнининг табиий ва ажralmas қисми сифатида ўзлаштириб, мулоқотнинг ҳақиқий моделини яратишдан иборатdir.

Шу тариқа, таълимнинг инновацион технологиялари ўқитувчининг фаолиятини қўйидаги жиҳатларга йўналтиради:

- касбий кўникмаларни шакллантириш орқали талабанинг фаол фуқаролик позициясига, мураккаб вазиятларда тўғри йўл топиш

ва муаммоларни ижобий ҳал қилиш лаёқатига эга шахс бўлиб етишишига кўмаклашиш;

- таълим субъектларининг ўзаро муносабатлари характерини ўзгартириш, яъни ўқитувчи ва талабанинг ҳамкор эканлигини, бир мақсадга хизмат қилишларини англаш;

- таълим жараёнининг кўп қирралилиги орқали талабаларнинг ушбу жараёнга ва фанга нисбатан мотивациясини кучайтириш;

- таълим жараёнини ташкиллаштириш усуllibарини тубдан ўзгартиришга имкон берадиган замонавий педагогик технологияларни ўрганиш ва жорий этишга эътиборни кучайтириш.

Инновацияларнинг таълимда қўлланиши бугунги кунда таълим, фан ва амалиётнинг интеграциясига олиб борувчи асосий йўл эканлиги маълум бўлмоқда. Бу эса замонавий олий таълим муассасаларида инновациялар таълим сифатини оширишнинг асосий воситасига айланмоғи кераклигини англатади.

Адабиётлар:

1. Мансурова Г. Ўзбек тили сабоқлари. – Т.: F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –93-6.
2. O'zbek tili fanidan namunaviy dastur (bakalavr yo'nalishi uchun). / Tuzuvchilar: Rafiyev A., Muhammedova S., Usmonov S., Lafasov U. – Т.: O'zMU, 2011. -20-b.
3. Mirzayev I., Boltayev M. O'zbek tili. / Oliy o'quv yurtlarining rus guruhlari talabalari uchun darslik. – Т.: A.Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 2004.
4. Rasulov R., Mirazizov A. O'zbek tili. / Oliy o'quv yurtlari rus guruhi talabalari uchun darslik. – Т.: «Aloqachi», 2005. –228-b.
5. Ahmedova G.T., Karimjonova V.A. O'zbek tili. – Т.: «Ijod dunyosi» NU, 2001.
6. Adilova S., To'xtamirzayev M. O'zbek tili. / Bakalavriatning barcha yo'nalishlari rusiyabzon talabalari uchun o'quv qo'llanma. – Т.: TDPU, 2007. –167-b.
7. Хоторской А.В. Педагогическая инноватика: методология, теория, практика: Научное издание. – М.: Изд. УНЦ ДО, 2005.
8. Доможирова М.А. Деловая игра в обучении профессионально-ориентированному общению на иностранном языке студентов неязыковых вузов: Дис. канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2002.
9. Сунцова Е.Н. Обучение монологическому высказыванию в условиях профессионально ориентированного общения с использованием аутентичных видеодокументов (английский язык, неязыковой вуз): Автореф. дис. канд. пед. наук. – Тамбов, 2005. –С. 18.
10. Ли Пэн. Терминологическое тестирование в системе обучения профессиональнной речи студентов экономических специальностей: Дис. канд. пед. наук. – М., 2004. –С. 158.
11. Васичкина О.Н. Информационно-коммуникационные технологии как средство формирования профессиональной коммуникативной компетентности студентов экономических специальностей: Дис. ... канд. пед. наук. – Ставрополь, 2009. –С. 223.